

Янги кун, янги мавсум, янги ҳаёт нафаси

Пойтахтимиздаги кўп тармоқли «Нумо Арена» спорт комплексида ўтказилган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж



Баҳор... Қаҳратон қиш замин юзидан оппоқ ҳарир кўрпасини кўтарди. Нуроний тоғлар ортидан мўралаган ҳуёш ўз нурлари билан борлиқни оҳиста эркалаб уйғотди. Кўкларнинг илиқ ва ҳушифор саболари юртимиз узра майин эса бошлади. Дарахтларга куртак битди, боларилар гулзорлар томон уча бошладилар. Майсалар тупроқ бағрини ёриб, қад ростлади. Олам яшилликка, яхшиликка бурканди.

Борлиқда Наврўз ифори кезади. Бир кундаёқ ўриқлар гуллаб юборади. Бой-чечаклар, чучумолар бодраб, қиру адирлар ва сайхонликларга камаларанг жило бахш этади. Ариқлар шилдираб, она табиятнинг мўъжизавий симфониясига жўр бўлади.

Қалбларда ҳам баҳор тароватига ошуфталик, эзгуликка камарбасталик, яратувчанлик кайфияти, баланд руҳ, ғайрат-шижоат жўш уради. Зотан, борлиқдаги янгиланиш, яшариш кўнгилларга ҳам кўчмаслиги мумкин эмас. Улуғ бобомиз, шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таъбири билан айтганда:

Насиме гунча ичидин чу ёйди гул атрин, эй ҳамдам. Димоғларга етардин не чора, эй ҳамдам.

Дарҳақиқат, гуллар атрин ёйган насим димоғларни қутқилаб, қалбларни тўлқинлантиради. Бутун халқ баҳорги тенгқунлиқни, янгиланиш айёминини интиқ-интизор кута бошлайди...

Мана, ўлкамизга Наврўз кириб келди. Саҳархез боболарнинг нуроний чехрасидан, дуоғўй момоларнинг эзгу тилакларидан, тонгни бешик кучиб қаршилаган оналар алласидан бошланди бу кун.

2024 йил 21 март. “Нумо Арена” шодиёнага муносиб безатилган. Нурафшон саҳна узра она табиятнинг бетимсол қудрати намोён. Анвойи чечаклар ҳуш ифор таратади. Қийғос гуллаган ўригу бодомлар кўринишлари юракларни тоғли хисга тўлдирди. Катта мониторларда кўклар манзаралари: юртимизнинг мафтункор табиати, чирой очган боғлар, гўдак нафасидек беғубор шаббода эсган адирлар... Бунёдкорлик, яратувчанлик намуналари... Обод манзилларда умргузаронлик қилаётган юртдошларимизнинг гулгун чехраси... Юқорига ўрнатилган мониторда мовий осмонимиз акси, тинчлик ва бахт элчиси — қалдирғочлар парвози. Умуман айтганда, бутун саҳна бўйлаб ўйғониш, янгиланиш, яшариш сурати ва сийрати.

Бу ерга сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, фан, маданият, спорт ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, табаррук отахонлар онахонлар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган ватандошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ҳамда халқро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрган.

Чорлов мусиқаси янграйди. Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга берилади.

Байрам тантанасига йиғилганлар давлатимиз раҳбарини қарсақлар билан қутиб олади.

Президентимиз барчани янгиланиш ва яшариш айёми билан самимий қутлар экан, Наврўзи олам фалсафаси бизнинг орзу-интилишларимиз, амалий ишларимиз билан узвий боғлиқлиги кетганини бугун ҳар қадамда яққол кўриш мумкинлигини таъкидлади. “Янги ҳаёт

учун, Янги Ўзбекистон учун!” деган эзгу ғоя атрофида бирлашган халқимизнинг олийжаноб меҳнати билан мамлакатимизда янги-янги замонавий корхоналар, шинам уй-жойлар, ижтимоий ва маданий объектлар, йўл ва кўприклар, боғ ва хиёбонлар барпо этилаётганини, юртимиз қиёфаси кундан-кунга обод ва гўзал бўлиб бораётганини қайд этди.

Шу ўринда Наврўз тантаналарининг “Нумо Арена”да ташкил этилишида ҳам рамзий маъно борлигига урғу бериш жоиз. Бу, бир томондан, сўнгги кунларда ҳавонинг совиб, ҳароратнинг бироз пасайгани, ёмғир ёғиб, байрамни очик майдонда ўтказиш имконияти чеклангани билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, халқимизнинг азалий орзу-умидлари ифодаси ўлароқ бунёд этилган мазкур муҳташам саройнинг номию кўркам қиёфаси, замонавий шарт-шароитлари Наврўз фалсафасига, руҳига ғоят уйғунлигидир. Ҳумо — тинчлик-осудалик элчиси. Эзгулик ва бахт, қут-барака тимсоли. Наврўзнинг моҳиятида ҳам тотувликка, ҳамжиҳатликка, ободликка даъват бор. “Ҳамал кирди — амал кирди”, дея енг шимариб, меҳнат қилишга киришган ҳар бир инсоннинг ризқи тўлиқ, дастурхони тўқиндир.

“Нумо Арена” — спортни севадиган халқимиз, айниқса, ёшларимиз қалбидаги порлоқ ниятлар рўёби. Ҳар томонлама соғлом авлоднинг воёга етказишга хизмат қиладиган муҳим иншоот. Наврўзнинг мазмуни ҳам ёшлар руҳиятига яқин. Унда яшаришга интилиш, жисман ва маънан баркамолликка ундов мўжассам.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таърифи сурати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Узоқ-яқиндан ташриф буюрган хурматли меҳмонлар!

Сиз, қадрдонларимни, кўп миллатли бутун Ўзбекистон халқини барчамиз соғиниб кутган Наврўзи олам билан самимий муборакбод этишдан бахтиёрман.

Бугун фасллар алмашиб, еру кўкда илоҳий мўъжизалар юз бермоқда. Янги кун, янги мавсум, янги ҳаёт нафаси бошланмоқда. Табиат уйғониши билан зимистон кечалардан зериккан кўнгиллар яшариб-ййрамоқда.

Албатта, бугунги шодиёна байрамни эл-юртимиз билан муаззам “Янги Ўзбекистон боғи”да ўтказишни ният қилган эдик. Лекин ҳаммамиз кўриб турибмиз — сўнгги кунларда ҳаво совиб, ҳарорат бироз пасайиб қолди. Бугун обираҳмат ёмғирлари билан осмондан ризқу рўз, қут-барака ёғмоқда. Ҳаммамиз бу ҳолатни шукроналик билан қабул қиламиз.

Мана шу муҳташам саройда туриб, барча-барчангизга энг эзгу ва самимий тилакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Ҳуш келибсан юртимизга, гўзал Наврўз! Олам сен билан нурга тўлсин! Шарқона Янги йил ҳаммамизга муборак бўлсин!

Қадри дўстлар!

Мана шу қувончли кунларда она заминимиз, жонажон Ўзбекистониимиз бамисоли улкан ва муҳташам бир сайилгоҳга айланмоқда. Фарғона водийсига Сурхон ва Қашқадарё тоғларида, Хоразм ва Қорақалпоқ диёрида, Самарқанд Бухоро, Навоийнинг гўзал боғларида, Жиззаху Сирдарё кенгликларида, Тошкент воҳасининг ям-яшил адирларида,

азим пойтахтимиз майдонларида эл-юртимиз сайил-томошалар ўтказиб, Наврўзни шоду хуррамлик билан қутиб олмоқда.

Наврўзи олам фалсафаси бизнинг орзу-интилишларимиз, амалий ишларимиз билан узвий боғланиб кетганини бугун ҳар қадамда аққол кўриш мумкин. “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!” деган эзгу ғоя атрофида бирлашган халқимизнинг олийжаноб меҳнати билан мамлакатимизда янги-янги замонавий корхоналар, шинам уй-жойлар, ижтимоий ва маданий объектлар, йўл ва кўприклар, боғ ва хиёбонлар барпо этилмоқда. Юртимиз қиёфаси кундан-кунга обод ва гўзал бўлиб бормоқда.

Инсон қадрини улуглаш, унинг ҳаётини манфаатлари ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, эҳтиёжманд аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлаш, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир юртдошимизга меҳр ва эътибор кўрсатиш фаолиятимиз мезонига айланмоқда.

Мамлакатимиздаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳити, яхши қўшничилик, тинчликсевар ташқи сиёсат туфайли халқро майдонда Ўзбекистониимизнинг обрў-эътибори юксалмоқда.

Наврўзи оламнинг инсонпарварлик, тинчлик ва бағрикенглик каби қадриятларига уйғун ва ҳамоҳанг бундай ишларимизни биз келгусида янада кенгайтираемиз.

Муҳтарам юртдошлар!

Наврўзи олам бизни бутун борлиқни, ав-валамбор, ер ва сув, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини, соф ҳавони асраб-авайлаб, она табиятда меҳрибон фарзанд бўлиб яшашга даъват этади.

Ана шундай эзгу чорловга жавобан бугунги кунда юртимизда улкан ишлар амалга оши-

рилмоқда, Наврўз ҳашарлари ўтказилмоқда. Жумладан, “Яшил макон” лойиҳаси доирасида миллионлаб мева ва манзарали кўчатлар экилмоқда, янги боғу роғлар барпо этилмоқда.

Қадимий қўшиқларимизда Наврўз ҳазиналар очиладиган барака айёми, деб тараннум этилади.

Мана, бугун миришкор деҳқон ва фермерларимиз, боғбон ва чорвадорларимиз янги меҳнат мавсумини бошламоқда.

Илоҳим, бободоҳонларимизнинг омадини, бахтини берсин!

Дарёларимиз сувга тўлиб, ҳосилимиз мўл бўлсин!

Азиз дўстлар!

Ёшлик — инсон умрининг баҳори, унинг Наврўз байрамидир. Ёшлик — одамод қамолот осмонига юлдуздек чараклайдиган бебаҳо даврдир.

Янги Ўзбекистон фарзандлари — юзлаб, минглаб ўғил-қизларимиз турли соҳалардаги ютуқлари билан бу фикрни амалда исботламоқдалар. Уларнинг куч-ғайрати, эзгу ҳаракатларига қанот бериш мақсадида биз жорий йилни мамлакатимизда “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилдик.

Чунки доимо изланиш, ташаббус ва янгиликка, ўзлигини намоён этишга интилиш ёшлик ва тадбиркорликка хос фазилатлар ҳисобланади.

Бу ҳақда гапирганда, бир фикрга алоҳида урғу беришни истардим. Тадбиркорлик, ишбилармонлик азал-азалдан халқимизнинг қонига, онгу тафаккурида яшаб келмоқда. Эл-юртимиз қадим замонлардаёқ кўли гул уста ва ҳунармандлари, миришкор деҳқонлари,

етти иқлимни кезган савдогарлари, ноёб маҳсулотлари ва ноз-неъматлари билан бутун дунёга донг таратган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда янги тадбиркорлар авлоди ана шу аънанани муносиб давом эттириб, дадил майдонга чиқмоқда. Энг муҳими, бизнес соҳаси нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ҳаётимизда ҳам ҳал қилувчи кучга айланмоқда.

Биз ишбилармонлик муҳити ривожини учун янада кенг имкониятлар яратиб берамиз. Жорий йилда қабул қилинган давлат дастуридаги мақсадларга 36,5 триллион сўм ва 460 миллион доллар маблаг йўналтириш белгилангани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Оилавий тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш дастурлари доирасида 50 мингдан зиёд юртдошларимизга Бизнесни ривожлантириш банки орқали зарур молиявий ва моддий ёрдам кўрсатилади. Жумладан, уларга гаров талабсиз 100 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилади. Бундан ташқари, ўрта бизнес вакилларига 1,5 миллиард сўмгача бўлган имтиёзли кредитлар 7 йил муддатга берилади. Умуман, жорий йилда барча турдаги тадбиркорлик дастурлари доирасида 2 миллионга яқин аҳолига молиявий қўмак кўрсатилади.

Муҳтасар айтганда, Янги Ўзбекистонни тадбиркорлик ва бизнес учун энг қулай ва жозибадор мамлакатлардан қадрга айлантириш йўлида янги амалий бидма қўямиз.

Бугунги кунда юртимиз ёшлари халқро фан олимпиадаларида, маданият ва санъат, IT ва спорт йўналишларидаги нуфузли танлов ва фестивалларда фаол иштирок этиб, голиб ва совриндор бўлиб келаётганлари барчамизни қувонтиради.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Кўп миллатли халқимизнинг она юрт ва табиятга меҳр-муҳаббат ва ғамхўрлик, эзгулик ва бағрикенглик, бунёдкорликка интилиб, дўстлик ва тотувликда яшаш, тинчлик ва фаровонликнинг қадрига етиш каби олийжаноб қадриятларини ўзида муҳассам этган қадимий байрам — Наврўзи олам муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқро ташкилотлар раҳбарлари, танқил жамоат арбобларидан самимий табриклар келмоқда.

Хорижий етакчилар ва ҳамкорлар мамлакатимиздаги аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қаратилган ортга қайтмас сиёсий янгиланишлар ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни юксак баҳолаб, уларни тўлиқ қўллаб-қувватлашини, давлатимизнинг халқро майдондаги нуфузи сезиларли даражада мустаҳкамланганини қайд этиб, Ўзбекистон халқига бардавон раванк тилакларини изҳор этмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Хурматли Президент жаноблари!

Сизга Хитой тақвими бўйича Янги йил муносабати билан йўллаган табрик мактубингиз учун самимий миннатдорлик билдиришга ҳамда Хитой ҳукумати ва халқи номидан, шахсан ўз номимдан Сизни ва Ўзбекистон халқини аънанавий байрамингиз — Наврўз билан чин дилдан қутлагша ижозат бергайсиз. Яқинда Хитойга амалга оширган давлат ташрифингиз даво-

мида биз сермазмун ва самарали музокаралар ўтказиб, Хитой билан Ўзбекистон ўртасида барча шароитда ҳар томонлама стратегик шерикликни ривожлантиришимиз ва Хитой — Ўзбекистон умумий тақдир ҳамжамиятини юксак ишонч билан барпо этишимизни эълон қилдик, бу эса икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлиги учун янги тарихий имкониятларни очди. Мен Хитой — Ўзбекистон муносабатларини ривожлантириш-

га алоҳида эътибор қаратаман ва халқларимиз аънанавий дўстлигини мустаҳкамлаш, Хитой — Ўзбекистон умумий тақдир ҳамжамиятини барпо этишнинг катта амалий мазмун билан бойитиш сари давлатларимиз модернизациясига қўмаклашиш мақсадида кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш борасида Сиз билан биргаликда ишлашга тайёрман. Сизга мустаҳкам соғлиқ ва фаолиятингизда муваффақиятлар, дўст Ўзбекистон халқига бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Си Цзиньпин, Хитой Халқ Республикаси Раиси



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Хурматли Президент жаноблари!

Қўшма Штатлар халқи номидан Сизга ва Ўзбекистон халқига уйғониш ва янгиланиш элчиси — Наврўз айёми муносабати билан энг эзгу тилақларимизни йўлламоқдаман.

Ўтган йил давомида биз Марказий Осиё ва ундан ташқарида тинчлик ва фаровонликни таъминлаш учун халқларимиз билан дўстлик ва мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни мустаҳкамлаш борасида ҳамкорлик қилдик. Қўшма

Штатлар ушбу янги имкониятлар даврида Ўзбекистоннинг ислохотлар ва тараққиёт йўлини қўллаб-қувватлайди. Мен халқларимиз ва дунёдаги барча инсонларга янада яхши келажақ қуриш йўлида мамлакатларимиз биргаликда ишлаши учун янги имкониятларни интизорлик билан кутаман.

Наврўз муборак! Ҳурмат билан,

Жозеф БАЙДЕН, Америка Қўшма Штатлари Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАҲАЛЛА ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янги босқичга кўтариш, жамиятимизда маҳалланинг ўрни ва нуфузини янада юксалтириш, инсон қадрини улуглашга қаратилган кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш, маҳаллабай ишлаш тизимини самарали йўлга қўйиш борасидаги катта хизматлари, кўп асрлик аънаналаримизни асраб-авайлаш, халқимиз орасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, оила институтини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёш авлодини она Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умumbашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган муносиби ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Исматова Адибахон Косимовна — Избоскан туманидаги «Шодлик» маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли, Андижон вилояти

«Дўстлик» ордени билан

Бегматов Учқун Равшанович — Пахтачи туманидаги «Қарнабот» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Самарқанд вилояти

Жақетов Амангелди — Мўйноқ туманидаги «Учсой» овул фуқаролар йиғини раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Жўрабоев Раҳимжон — Чортоқ тумани нуронийлар жамоатчилик кенгаши фаоли, Наманган вилояти

Илхомов Мухтар Аткамович — Учтепа туманидаги «Учтепа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

Исаев Олжас Кидирбаевич — Қонимех туманидаги «Учтепа» овул фуқаролар йиғини раиси, Навоий вилояти

Менгнорова Гулбахор Темировна — Ангор тумани ободонлаштириш бошқармаси участка устаси, Сурхондарё вилояти

Мамонзов Ойбек Исмоилович — Пешку туманидаги «Аср кимё инвест» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Бухоро вилояти

Рахмонкулов Джумабой Турсункулович — Боёвут туманидаги «Навбахор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Сирдарё вилояти

Султонов Анвар — Бўка туманидаги «Хўжақўрғон» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг кексалар масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент вилояти

Шакирова Айнура Юксовна — Олтиариқ туманидаги 89-оилавий поликлиникаси патронаж ҳамшираси, Фарғона вилояти

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Базарова Норжон Бақаевна — Бухоро вилояти «Бувижонлар мактаби» раҳбарининг ўринбосари

Қурбонова Мархабо Исмаиловна — Учқўрғон туманидаги «Қўғай Ўлмас» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Наманган вилояти

Мирзаева Гуллола Абдусаломовна — Шахрисабз шаҳридаги «Ўймобут» маҳалла фуқаролар йиғини ҳоким ёрдамчиси, Қашқадарё вилояти

(Давоми 2-бетда).

ЯНГИ КУН, ЯНГИ МАВСУМ, ЯНГИ ҲАЁТ НАФАСИ



Муаззам саҳнада эл суйган хофизлар “Баҳор айёми”, “Ас-салоом Наврўз” ашулаларини ижро этади. Кўклам соғинчи, табиатга ошuftалик, она заминга муҳаббат, севги ва садокат, эртанги ёруғ кунларга ишонч хисси билан йўғрилган бу нафис оҳанглар уни тинглаётган ҳар бир қалбнинг туб-тубигача етиб боради.

Халқимиз бу йилги Наврўзни ҳам улкан ютуқлар билан кутиб олди. Юзлаб бунёдкорлик намуналари қад ростлади. Саноат, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт, туризм ва бошқа соҳаларда стратегик лойиҳалар амалга оширилди. Иқтисодиётни барқарор қилишга қаратилган саяёҳаракатлар натижасида аҳолининг реал даромадлари муттасили ошиб бормоқда.

Инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳаётий манфаатлари ва ихтимойи хўмосини таъминлаш, эҳтиёжманд аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлаш, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир юртдошимизга меҳр ва эътибор кўрсатиш асосий мезонга айланмоқда. Утган йили ихтимойи соҳага энг кўп — 134 триллион сўм маблағ ажратилгани, бу — 2016 йилдагига солиштирганда 5,6 баробар зиёд экани кўп нарсани англатади.

Энг муҳими, янги Ўзбекистонни қуриш, учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга интилиш бутун халқимиз томонидан тўла қўллаб-қувватланган умуммиллий ҳаракатга айланди.

Кўлга киритилаётган ютуқлар билан чекланиб қолмоқчи эмасмиз. Истикбoл режалари янада улкан. Президентимизнинг 2023 йил 11 сентябрдаги Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси бу борада тарихий дастуриламал ҳўжатдир. Бу муҳим ҳўжатда ўз олдидимизга аниқ максадлар қўйиб, маррани баянлаб олдик. Ушбу стратегияга мувофиқ, 2030 йилгача ялпи ички маҳсулот ҳўжмини 2 баробар ошириб, 160 миллиард долларга, аҳоли жон бошига даромад миқдорини эса ўртача 4 минг долларга етказишни режа қилганимиз.

... “Маҳалламда ҳашар” таронаси қалбларга сурур бахш этади.

Оламга зағулиқ ва ободлик улашувчи Наврўз бир инсонда она табиатга меҳр, яратувчанлик, кўкламзорлаштиришга интилиш, ҳамжиҳатлик тўйуғларини авж олдирди. Мамлакатимизда жорий йил 16 — 18 март кунлари “Обод ва

файзли маҳалла — юрт кўрки” шиори остидаги умумхалқ хайрия ҳашари ниҳоятда ушўқоқлик билан, кўтаринки руҳда ўтказилди. Унда 14 миллион 515 минг нафардан зиёд юртдошларимиз фаол иштирок этгани азалий қадриятларимиздан бири бўлган бу ишга халқимизнинг беҳад жиддий ёндашганини кўрсатади.

Хайрия ҳашари мамлакатимизда кенг қўлоч ёйган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасига уйғунлашиб, шу кунлари миллионлаб мевали ва манзарали кўчатри акчилди, янги боғу роғлар барпо этилди. Кўчалар тозаланди, қабристон ва зиёратгоҳлар ободонлаштирилиб, тартибга келтирилди. Қисқача айтганда, бу ишларда Наврўзнинг гўзаллик ва орасталки айёми экани, унинг буюк инсонпарварлик моҳияти яна бир қарра намойён бўлди.

Тадбиркорлик, ишбилармонлик қонқимизга сингиб кетган. Халқимиз фитратдаги ана шу бекиёс қудратни янги шакл ва мазмун билан бойитиш, ҳаётимизда тўла намойён қилиш бугун давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Тадбиркорлиқни ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадини ошириш, камбағаллиқни қисқартиришга қаратилган дастурлар ҳаётга татбиқ этиляпти.

Давлатимиз раҳбари бу борада Сирдарё вилоятининг Сайхунобод тумани тажрибасига эътибор қаратади. Томорқа ерларидан унумли фойдаланиш, томорқа эгаларини зарур восита ва ресурслар билан таъминлаш, улар етиштирган маҳсулотга бозор топиб бериш учун кўмаклашиш, ҳар қайси оила ва маҳаллада кичик-кичик ишлаб қаришларини йўлга қўйиш, сервис ва хизмат турларини кўпайтириш асосий мақсадимиз эканини ургўлади.

Хозирги вақтда мамлакатимиз бўйича беш ярим миллионта хонадонда 510 минг гектар томорқа ерлари бор. Уларни ишга солиш аҳоли фаровонлигида муҳим ўрин тутуши, шўбҳасиз.

— Барчамизга аёнки, Ўзбекистон шариоитида ана шундай имқониятлардан фойдаланиб, астойдил меҳнат қилган одам ҳеч қачон кам бўлмайд, — деди Президентимиз.

Мана, сўнгги икки йилда Ўзбекистонда камбағаллик даражаси 17 фоиздан 11 фоизга туширилди. Албатта, бу натижаларга маҳалла кўмагида, ушбу тузилманинг бевосита иштирокида

эришилмоқда. Шу боис ушбу тузилма ривожини янги босқичга кўтариш бўйича кенг қўламли ишлар қилинапти. Жумладан, Маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашилари, Ўзбекистон маҳаллалари ушўмаси ва унинг ҳўлдуй тузилмалари ташкил этилди. Ҳамма соҳа ва йўналишлар бўйича “маҳалла еттилиги” тизими самарали фаолият олиб бормоқда.

— Маҳалла — бу меҳр ва аҳиллик кўрғонидир. Маҳалла — окўнгил, бунёдкор халқимиз қалбининг кўзгусидир, — деди давлатимиз раҳбари.

Юртбошимиз 22 март куни мамлакатимизда нишонланадиган Маҳалла тизими ҳодимлари куни билан барча юртдошларимизни, жонқуяр ва фидойи маҳалла фаолларини чин юракдан табриқлаб, уларнинг ишларига муваффақият тилади.

...“Ким олади-ё?”, “Чилчўп” халқ кўшўқлари ва саҳна кўринишлари намойиш этилади. Тарихи бой миллий халқ ўйинларининг бетимсол моҳияти, болажонларни соғлом, эңил ва қаққон қилиб тарбиялашдаги тенгсиз аҳамияти юракларда фаҳр тўйуғларини уйғотди.

Ҳақиқатан ҳам, Наврўз сайилларини халқ ўйинларисиз тасаввур этиш қийин. Хўдўдларда ўтадиган улоқ-кўпқари, қураш, пойга, чилиқ, “Оқ теракми, кўк терак?” каби халқ ўйинлари ва этноспорт мусобақалари байрам иштирокчиларига завқ-шавқ бағишлайди.

Президентимиз қарори билан юртимизда Ётноспорт турларини 2025 йилгача оммалаштириш ва ривожлантириш дастури тасдиқланган. Унинг ижроси доирасида мамлакатимизда миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини (ётноспорт) тарғиб қилиш ва оммалаштириш, болалар ва ўсимларни уларга кенг жалб қилиш, халқро алоқаларни қучайтириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Таълим муассасаларида, маҳаллаларда миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича мусобақалар, турли танловлар мўнтазам равишда ўтказилляпти. Полвонлик ва дорбозлик санъати йўналишида ўрта бўғин қадрларини тайёрлаш, соҳада “Устоз — шогирд” альянсларини янада ривожлантиришга эътибор қаратилляпти.

...Фольклор-этнографик жамоаларнинг қишқиларида ажўдларимизнинг орзу-армонлари, тилак-истаклари, деҳқончилик, Наврўз, табиат, меҳр-

оқибат билан боғлиқ тушўнчалари ўз ифодасини топади.

Саҳнани болажонлар шўх-шодон қўлилари, она Ватани, кўкламни, бахтиёр болалиқни мадҳ этувчи жарангдор куй-кўшўқлари, жозибадор рақслари тўлдирди.

Мамлакатимизда ёшларга келажатимиз таянчи сифатида қаралмоқда. Жорий йил юртимизда “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилингани бунинг ҳаётий исботидир. Президентимиз ташаббуси билан ўғил-қизларни мактабгача таълимга янада кенгроқ қамраб олиш, ушбу масканларни замон андозаларига мослаштириш, мактабга тайёрлашнинг самарали моделларини татбиқ этишга қаратилган кенг қўламли ишлар олиб бориляпти.

Таълим тизимида амалга ошириляётган туб ўзгаришлар ҳар томонлама ривожланган, меҳнат бозорида талаб катта бўлган касбларни эғаллаган, инновацион тафаккур соҳиби бўлган янги

Терма жамоаларимиз аъзоларини олдидан гоят муҳим ва улкан синов — Париж Олимпиадаси ва Паралимпия ўйинлари кутаётганига ургу қаратар экан, жаҳоннинг энг зўр спортчилари беллашадиган ана шу мусобақаларда уларнинг Ўзбекистон байрогини баланд кўтариб, юртимизга қўша-қўша медаллар, ютуқ ва совринлар олиб келишига ишончини изҳор этди.

Наврўз — меҳр-оқибат, одамийлик, хайр-муруват байрами. Наврўз кўнларида эл-ўлус бир бўлиб кўмакка муҳтож кишиларга беминнат ёрдам беради. Беморлардан ҳол-аҳвол сўралади. Табаррук кексаларнинг дуоси олинади. Гина-қудратлар унутилиб, дўстлик ришталари мустаҳкамланади. Кўни-кўшўнлар бир-бирларига Наврўзнинг тансиқ таомларини илинади.

Мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахслар, боқувчисини йўқўтганлар, ёлғиз кексалар, умуман, кўмакка муҳтож қатлам ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, уларни уй-жой, тиббий

— бутун дўнёда Халқро Наврўз куни сифатида кенг нишонлаб келинаётгани бунинг ёркин нишонасидир.

Мамлакатимизда ҳам бу қўтлўғ айёмни миллати, тили, динидан қатъи назар, барча ватандошларимиз орзиқиб кутади. Катта шодиёна ва кўтаринкилик билан нишонляйди. Бу юртимизда истикомат қилаётган 130 дан ортўқ миллат ва элатлар вакилларини янада аҳил ва иноқ яшашга, умумий уйимиз — Ўзбекистонимиз равнақи йўлида барча соҳада фидокорона меҳнат қилишга ундайди.

Давлатимиз раҳбари хорижий ўлкаларнинг муҳтарам элчиларини, халқро ташкилотлар вакилларини самимий қўтлаб, уларнинг мамлакатлари ва халқларини шўқўли байрам билан муборакбод этди.

...Тантана янада қизийди: хофизу хонанда, ўлчанчо лапарчи, масҳарабозлар — ҳамма ўз санъатини намоийш этади. Дошқозонларда тўкинлик ва фаровонлик рамзи сифатида сумалак тайёрланади.

Ҳақиқатан ҳам, Президентимиз раҳнамолигида барча соҳада амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар натижасида бугун юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин-сочин, эртаимиздан кўнглимиз тўқ.

Шу маънода, “World Happiness Report — 2024” рейтингида Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида энг бахтли мамлакат деб топилгани ҳам адолатлидир.

Ажўдларимиз янги меҳнат йилини айни Наврўздан бошлаганлар. Деҳқонларимиз айни шу паллада эл-юрт дастурхони тўкин бўлсин, деган яхши ниятда ерга барака уругини сочганлар. Президентимиз томонидан ердан унумли фойдаланиш, экин-тикин ишларини ўз вақтида бажариш, одамларнинг омилкорлигини қучайтириш борасидаги ишларга алоҳида эътибор билан қаралаётгани боиси ҳам шу: кўкламнинг ҳар бир қунидан унумли фойдаланиш, турмушимиз фаровонлигини янада оқсалтиришдир. Зеро, кузнинг ҳосили баҳордан билинади. Наврўзни англамаган инсон бугун бошли йилини, ҳатто умр мазмунини ҳам тушўнмай ўтиб кетади.

...Наврўз томошалари кўтаринки руҳда давом этади. Санъат усталари, эстрада юлдузлари, ёш ижрочиларнинг она Ватани, Наврўзни, баҳор ва муҳаббатни мадҳ этган куй, қўшўқ ва рақслари қалбларни ҳаяжонга солади. Кўйлар қўшўқларга, қўшўқлар жозибали рақсларга уланади.

Тантанадан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Наврўз сайлида бўлиб, миллий маданият марказлари, фольклор-этнографик жамоалар қишқиларини кузатди. Турли миллат вакиллари билан самимий сўхбатлашиб, эзгу тилақларини билдирди.

Юртимиз бўйлаб Наврўз нашидаси кезмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизда, бепеён дашту далаларда Наврўз сайли, байрам шодиёналари давом этмоқда. Фараҳбахш ушбу дамларда қалбларимиз эзгуликларга ёр. Яратгандан шарқона янги йилимиз кўт-баракали, юртимизда тинчлик-товуқлик бардавом бўлишини сўраб дуолар қиламиз. Президентимиз тилаганидек, илоҳим, ҳар кунимиз Наврўзде к гўзал, Наврўзде к файзли ва мазмўнли бўлсин!

Дилшод КАРИМОВ
(“Халқ сўзи”).

НАВРЎЗ — ҲАМЖИҲАТЛИК БАЙРАМИ

Хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчилари Ўзбекистон халқини баҳор шодиёнаси билан табрикламoқда

21 март куни пойтахтимиздаги “Нито Arena” мажмуасида Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев тадбир меҳмонлари ва иштирокчиларини самимий табриқлади. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Наврўз олам бизни бутун борлиқни, авваломбор, ер ҳамда сув, ҳайвонот ва ўсимлик дўнэсини, соф ҳавони асраб-авайлаб, она табиатга меҳрибон фарзанд бўлиб яшашга даъват этаётганини таъкидлади.

“Мана шу қувончли кунларда она заминимиз, жонажон Ўзбекистонимиз бамисоли улкан ва муҳташам бир сайилгоҳга айланмоқда. Фарғона водийсигу Сурхон ва Қашқадарё тоғларида, Хоразм ва Қорақалпоқ диёрида, Самарқанду Бўҳоро, Навоийнинг гўзал боғларида, Жиззаху Сирдарё кенгликларида, Тошкент воҳасининг ям-яшил адирларида, азим пойтахтимиз майдонларида эл-юртимиз сайил-томошалар ўтказиб, Наврўзни шоду хуррамлик билан кутиб олмақда”, деди давлатимиз раҳбари.

Байрамнинг фахрий меҳмонлари қаторида Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган хорижий мамлакатларнинг дипломатлари ҳам қатнашди. Улар ўзбек халқини табриқлаб, самимий тилақларини билдирди.

Дунё нигоҳи

Жонатан ХЕНИК, АКШ элчиси:

— Наврўз байрами муносабати билан ўзбек халқига тинчлик-фаровонлик, оила-ларига саломатлик ва бахт тилайман. Ўзбекистон ва АКШ халқларининг ўзаро мулоқоти абадий бўлсин.

Икки томонлама ҳамкорлигимиз юқори сўратларда ривожланиб бормоқда. Дарҳақиқат, мен Наврўзни янги ҳаёт бошлаш ва келажакка эзгу ниятлар билан қараш, муносабатларни мустаҳкамлаш истиқболлари ҳақида ўйлаш учун яхши фурсат, деб биламан. Бундан кейин ҳам қўллаб соҳаларда ишларни жадаллаштирамиз. Сиёсий, савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва бошқа йўналишлар шулар жумласидандир. Ўзаро муносабатларда янги имқониятлар кашф қилишда давом этамиз.

Шарлотта АДРИАН, Европа Иттифоқи элчиси:

— Биринчи навбатда, ўзбекистонликларни гўзал айём — Наврўз билан табриқлайман. Сизларга ҳаётнинг барча соҳасида фаровонлик ва муваффақиятлар тилайман.

Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик юксак даражада ривожланаётганини қайд этишни истардим. Элчи

сифатида Европа Иттифоқининг Ўзбекистон билан дипломатик алоқалари ривожидagi бир қатор муҳим босқичларни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Европада бозорига тўқимачилик, озмиқ-овқат ва кимё маҳсулотлари экспорти ортиси муносабати билан Европа Иттифоқи Ўзбекистон учун “GSP+” умумий имтиёзлар тизимининг амал қилиш муддатини 2027 йилгача узайтирди.

Европа Иттифоқи Ўзбекистоннинг ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва мамлакатнинг иқтисодий равнақи учун муҳим бўлган кичик ҳамда ўрта бизнесни ривожлантириш бора-сидаги саяёҳаракатларини бундан кейин ҳам қўллаб-қувватляйди.

Олег МАЛЬГИНОВ, Россия элчиси:

— Аввало, Ўзбекистон халқини ёркин, қувончли Наврўз байрами билан табриқлайман. Бу айём Ўзбекистон ва Марказий Осиёдаги барча мамлакатлар халқларининг ёркин альянсларидан биридир.

Меҳмон бўлганимиз сабабли бу кунларда бизда ҳам янги мавсумни кутиб олишда қувонч хисси пайдо бўлади. Жорий йил икки томонлама муносабатларимизда янада му-

Орелия БУШЕЗ, Франция элчиси:

— Наврўз байрамини Ўзбекистонда нишонлаётганимдан жуда мамнўнман, бу мен учун катта шараф. Айёмнинг маъно-мазмўни “янги кун” маъносини ифодаляйди. Дарҳақиқат, шу куни мамлакат ва унинг халқи янада гуллаб-яшнайд, бундан-да тараққий этиши учун янги кучга эга бўлади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда амалга ошириляётган ислохотларни алоҳида таъкидламоқчиман. Очўқ ва конструктив ташки сиёсат натижасида хорижий давлатлар, жумладан, Франция билан кўп қиррали ҳамкорлиқни ривожлантиришда ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда.

Қўллаб йўналишлар қатори Ўзбекистонда таълим соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилёётганини алоҳида айтиб ўтмоқчиман.

Ўзбекистон халқини ушбу минг йиллик байрам билан чин қалбимдан табриқлаб, уларга эзгу тилақлар ва муваффақиятлар тилайман!

Гусейн ГУЛИЕВ, Озарбайжон элчиси:

— Юртингизда барча соҳа ва йўналишларда изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон мамлакат раҳбариятининг матонати тўфайли гуллаб-яшнапти, уфга интиляпти. Ўзгариш ва ютуқлардан жуда хурсандим.

Олий ва юқори даражадаги мўнтазам ҳамда самарали мулоқотлар натижасида Озарбайжон — Ўзбекистон стратегик шериклик ва кўп қир-

рали ҳамкорлик муносабатлари жадал ривожланиб бораётганини чўқур мамнўният билан қайд этмоқчиман.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқига тинчлик, фаровонлик ва равнақ тилайман. Мен мамлакатингиз халқини жуда яхши кўраман, биз жуда яқинимиз. Орамизда қадим замонлардан бери давом этиб келаятган дўстлик бўлган, бор ва бундан кейин ҳам бўлади.

Маниш ПРАБХАТ, Ҳиндистон элчиси:

— Ўзбекистон халқини Наврўз байрами билан табриқлаш мен учун катта шараф! Бу кун шарқона Янги йилнинг бошланishi, янги умидлар ва режалар даврини англатади.

Наврўз Ҳиндистоннинг айрим ҳудудларида ҳам нишонланади. Шундан келиб чиқиб айтиш мўмкинки, Наврўз байрами бутун минтақа каби Ҳиндистон ва Ўзбекистон халқларини ҳам бирлаштиради.

Таъкидлаш жоизки, Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик кўп асрлик дўстликка асосланган. Сўнгги йилларда “яшил” энергетика, барқарор ривожланиш ва технологиялар соҳаларида катта ютуқларга эришилди. Ҳиндистон Ўзбекистоннинг ишончли шериги бўлиб, бундан кейин ҳам икки томонлама шериклиқни янада мустаҳкамлашда янги марраларни забт этамиз.

Амира ФАХМИИ, Миср элчиси:

— Наврўз байрами муносабати билан Ўзбекистон халқига энг яхши тилақларимни билдираман. Мана бугун Наврўз байрамига бағишланган тадбирда тўртинчи маротаба қатнашмиш бахтига муяссар бўлдим. Тадбир жуда қироийли ўтди.

Ўзбекистон ва Миср алоқалари юқори даражага чиқди. Айниқса, дипломатик қадрлар тайёрлаш ҳамда савдо-иқтисодий инвестициялар соҳасида катта муваффақиятларга эришдик, деб айта оламан. Сўнгги тўрт йил ичида кўп ишлар



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сўратлар.



Сунарио КАРТАДИНАТА, Индонезия элчиси:

— Наврўз айёми муборак бўлсин! Ўзбекистон халқига чин дилдан фаровонлик, соғлиқ, муваффақият тилайман. Келажакда самарали ҳамкорлиқни давом эттиришимизга ишонман.

Жорий йилда Ўзбекистон ва Индонезия ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 32 йил тўлди. Бу давр ичида икки давлат ўртасидаги алоқалар изчил тарзда ўсиб борди. Иқтисодий муносабатларни янада яхшилаш тарафдоримиз, негаки, Ўзбекистон бу борада улкан салоҳиятга эга.

Ежи МАЦУЛЕВИЧ, Ватиканнинг муваққат ишлар вакили, епископ:

— Наврўз турли дин вакилларини бириштирадиган байрамдир. Чўнки у энг қадимий баҳор айёми. Бу баҳорги тенгқўнликда нишонланади ва қўллаб халқларнинг севишли байрами сифатида муносиб ўрин олган.

Яқинда “Ёшлар” боғида қўчат экиш тадбирида қатнашдим. Бу ҳам мамлакатингизнинг янгиланиши, юксалиши ва ривожланаётганидан яна бир дарақдир.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини ушбу ажойиб байрам билан табриқлайман. Наврўз ҳар бир оилага, ҳар бир хонадонга бахт ва фаровонлик олиб келсин!

«Дунё» АА.

Мирзо Улуғбек таваллудининг 630 йиллигига

УЛУҒ АЛЛОМАНING ИШОНЧИ ВА ДАЪВАТИ



Астрономия фани ўз кечмишида бошқа фанлар сингари гуркураб ривожланиш ва турғунлик даврларини бошидан кечирган. Ана шундай кенг миқёсли ўсиш даври қадимги Юнонистонда милoddан аввалги VI асрда бошланиб, милодий II асрда машҳур юнон астрономи Клавдий Птолемейнинг 13 китобдан иборат “Ал-Мажистий” асари билан яқунланган. Шундан кейин бир неча аср давомида астрономия фани тақдирда турғунлик даври ҳукм сурган.

донлаштириш, ноёб меъморий обидалар барпо этиш, илм-фан, маданият, таълим, хунармандчилик каби соҳалар ривож топади.

Мирзо Улуғбек табиятан буюк илм-фан намояндаси бўлган. Унинг истёфодди, айниқса, фалакиёт ва математика соҳасида кучли эди.

Урта аср мусулмон астрономиясининг асосий амалий вазифаси, бу мутахассислар доирасида кенг фойдаланиладиган зижлар яратиш бўлган. Зижлардан тарихчилар турли тақвимларда келтирилган саналарни ҳижрий-қамарий тақвим саналарига ўтказиш, мусулмонлар намоз пайтларини билиш ва диний байрамлар (масалан, Қурбон ҳайити) саналарини аниқлаш, меъморлар масжидлар барпо этишда қибла йўналишини белгилаш, аҳолини саросимага солиши мумкин бўлган Куёш ва Ой тутилишлари саналарини олдиндан чамалаш, мунажжимлар эса толеномалар (гороскоп) учун сайёралар жойлашувини ҳисоблашда кенг фойдаланишган.

Мусулмон астрономлари ҳаммаси бўлиб 250 га яқин ана шундай зижларни тузган. Мирзо Улуғбек ҳам анъанага риоя қилган ҳолда зиж тузиш билан шуғулланади. Лекин унинг зиж бошқаларникидан фарқли ўлароқ, қўшимча равишда 1018 та юлдузнинг жадвалини ўз ичига олади.

Астрономия тарихидаги илк 1022 та юлдузнинг координаталари келтирилган каталог милoddан аввалги II асрда машҳур юнон астрономи Гиппарх томонидан тузилган. Гиппархнинг каталоги юқорида қайд этилган Клавдий Птолемейнинг “Ал-Мажистий” китобида келтирилган. Лекин юлдузларнинг координаталари вақт ўтиши билан ўзгариб туради. Птолемей ўзгариш қийматини аниқлаб, Гиппарх каталогида тузатишлар киритган. Кейинчалик бу усулдан фойдаланиб, мусулмон астрономлари ҳам бир нечта юлдузни кузатиш асосида юлдуз координаталари ўзгаришининг қийматини аниқлаб, Гиппарх-Птолемей каталогида тузатишлар киритиб келишган.

Ана шу асосда тузилган каталоглар орасида Мирзо Улуғбек даврига келиб Берунийнинг замондоши X асрда яшаган Абдурахмон Суфий каталоги машҳур ва кенг тарқалган эди. Мирзо Улуғбек бу каталоғни синчковлик билан текшириб, унда келтирилган юлдузларнинг координаталари, уларнинг осмондаги жойлашувига қўл ҳолларда тула мос келмаслигини аниқлаган. Бу номуносиблик мусулмон астрономларининг координаталар ўзгаришини етарлича аниқликда тополмаганидан келиб чиққан. Шундан кейин Мирзо Улуғбек

оригинал кузатишларни амалга оширишга қарор қилади. Шу мақсадда, у Самарқанд яқинидаги Қўҳак тепалигида улкан расадхона (обсерватория) барпо этади ва 1018 юлдузни ўз ичига олган каталог тузади. Айнан шунинг учун у ўзининг зижини “Қўрагоннинг янги жадваллари” деб номлайди. Ва айнан шу юлдузлар жадвали Мирзо Улуғбекнинг фалакиёт фанига қўшган энг салмоқли ҳиссасидир. Чунки бу астрономия фанида Гип-



Машҳур поляк астрономи Ян Гевелийнинг «Уранография» китобида келтирилган гравюра.

парх давридан кейинги ўн олти аср давомида оригинал кузатишлар асосида тузилган биринчи каталог бўлди.

Ушбу каталог илк бор Буюк Британиядаги Оксфордда 1648 йили, яъни Мирзо Улуғбек вафотидан икки аср ўтган чоп этилганда ўзининг аниқлиги, юлдузлар сони ва айниқса, тузилиш санаси бўйича европалик олимларнинг эътироби-ни қозонди.

Шундан кейин бу каталог Фарб ва Шарқдаги илмий марказлар томонидан қўп мартаба чоп этилган ва таҳлил қилинган. Бу таҳлиллар ҳатто замонавий нуфузли журналларда ҳам нашр этиб келинмоқда.

XVII асрда яшаб ўтган машҳур поляк астрономи Ян Гевелий ўзининг “Уранография” китобида турли даврларда яшаган ва юлдузлар жадвалларини тузган астрономларнинг каталогларини келтирган. Улар орасидан мусулмон астрономларидан биргина Мирзо Улуғбекнинг каталоги ўрин олган. Бу китоба бир аjoyиб рамзий гравюра келтирилган. Унда қадим юнонларнинг астрономия илоҳаси — Урания атрофида турли даврлар-

да яшаб ижод қилган Гиппарх, Птолемей, шахзода Гаусс, Вильгельм, Ян Гевелийнинг ўзи ҳамда Мирзо Улуғбек давра ҳосил қилиб ўтиришибди. Уша гравюрада Ян Гевелий Мирзо Улуғбекни Ураниянинг ўнг томонида биринчи бўлиб жойлаштирилган унинг буюк бобомизга юксак ҳурмати ва эътирофидан далолат беради.

Мирзо Улуғбекнинг фанга қўшган яна бир буюк ҳиссаси — у барпо этган расадхонадир. Афсуски, расадхонада ишлатилган биронга ҳам асбоб-ускуна бизгача етиб келмаган. Расадхонанинг бош қисми — меридиан бўйлаб йўналтирилган иккита улкан ёйнинг ер ости қисмига сақланиб қолган. Улардаги градус белгиларидан биз бу ускунанинг радиуси 40 метр бўлганини билиб олдик. Лекин у квадрант (тўлиқ айлананинг тўртдан бири) ёки секстант (тўлиқ айлананинг олтидан бири) бўлгани ҳануз илмий бахсларга сабаб бўлмоқда.

рида консерватизм анъаналарига тўлиқ риоя қилган. Биз бир вақтлари унинг зижидан фойдаланиб, юлдуз туркумларининг туркий номларини ўрганоқчи бўлганмиз. Лекин зижни очиб таажжубга тушганмиз. Унда келтирилган юлдуз туркумлари номлари қадимги юнонлар қўйган номларнинг ўзгинаси эди. Масалан, “Етти қароқчи” ўрнига “Катта айқиннинг тиззасидаги юлдуз”, “Кичик айқ думининг учидаги юлдуз” каби номларни кўрдик. Аслида, Мирзо Улуғбек бу иши билан буюк олимлигини намойиш этган. Бордию у ўзича юлдузларни ихтиёрий равишда туркумларга бўлиб, уларни “Амир Темир”, “Мовароуннахр” деб номлаб чиқганида эди, унинг барча меҳнатлари зое кетган бўлар эди. Шунинг учун ҳам Мирзо Улуғбекнинг юлдуз жадвали илк бор Европада чоп этилганда уни салкам икки минг йил давомида тузиб келинган бошқа жадваллар билан ҳеч қандай муаммосиз солиштириш имкони бўлган.

Шуни таъкидлаш керакки, Узок Шарқда хитой, япон ва корей астрономлари тузган каталогларда юлдузлар бошқача юлдуз туркумларига бўлинган ва шунинг учун улар анъанавий (юнон-мусулмон) каталоглари билан солиштирилмаган ҳамда жаҳон астрономлари томонидан таҳлил этилмаган ва ўрганилмаган. Ҳозирда бу мамлакатларнинг астрономлари ҳам юнон-мусулмон анъаналарига асосланган замонавий туркумлар билан иш қўришади. Уларнинг қадимий каталоглари эса тарихчилар томонидан маҳаллий тарихий анъана сифатида ўрганилади.

Яна бир муҳим фикр. Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти фожиали тугади, лекин унинг илмий ижодининг юлдузи нихоятда порлоқ бўлди. Биринчидан, у ўзининг бош асари — “Қўрагоннинг янги жадваллари”-ни яқунлашга улгурди. Иккинчидан, бу асар Европада XVII асрда, ўз вақтида, унга зарурат бўлганда эълон қилинди ва жаҳон фанига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

Бобурий Султон Муҳаммадшоҳ томонидан XVIII асрда Ҳиндистонда илмий изланишлар Самарқанд астрономия мактабининг анъаналарида ташкил этилганда мусулмон астрономиясининг даври ўтиб бўлган эди. У пайтда Европада астрономия анча илгарилар кетганди. Италияда Галилео Галилей телескопни осмонга қаратиб Юпитернинг йўлдошларини кашф этган, Тихо Браге кузатишларига асосланиб Иоганн Кеплер сайёралар ҳаракатини белгилوғчи учта қонунни очган, Исаак Ньютоннинг бутун дунё тортишиш қонунини кашф қилиши натижасида Николай Коперникнинг гелиоцентрик системаси тўлиқ илмий асосини топганди.

Шундай қилиб, Аҳмад Фарғонийдан IX асрда бошланган мусулмон астрономияси XV асрда ўзининг энг юксак чўққисига Самарқандда чиққан. Ушанда Мирзо Улуғбекнинг илмий мактаби жаҳоннинг астрономия марказига айланган эди.

Юқорида қайд этилган гравюрада Ян Гевелий ҳар бир астрономга тегишли ибораларни келтирган. У “Ўз ишини муносиб авлодларимга қолдирдим”, деган иборани Мирзо Улуғбек номидан келтирган. Буюк бобокалонимизнинг ушбу ишончи ва даъватига муносиб бўлиш бизнинг бурчимиздир.

Шухрат ЭГАМБЕРДИЕВ.
Ўзбекистон Фанлар академияси.
Астрономия институти директори, академик.



Туйғу

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири.

НАВРЎЗ
НАВОЛАРИ

Боғлар баҳорини соғинди жуда,
Новдалар музлардан оғринди жуда,
Қишининг керилгани энди беҳудда,
Ҳар ёнда қорларнинг суви оқмоқда,
Наврўз наволари эшик қоқмоқда.

Мулоийм майсалар юзин очдилар,
Бодом куртаклари кўзин очдилар,
Ҳатто чумолилар изин очдилар,
Умри ўтганини қиш ҳам уқмоқда,
Наврўз наволари эшик қоқмоқда.

Момолар сумалак хуморидадир,
Кўнгуллар кўксомса ифоридадир,
Оқишлар қўллари дил торидадир,
Висола онларига ҳаёл учмоқда,
Наврўз наволари эшик қоқмоқда.

Кўнгуллар кўзида олам ям-яшил,
Чунки йўлга чиққан кўклам ям-яшил,
Шоирлар наздида қалам ям-яшил,
Илоҳом оқиб келар жажжси ирмоқда,
Наврўз наволари эшик қоқмоқда.

Уйғонсин бор олам, эллар уйғонсин,
Яратмоқ ишқиди диллар тўлғонсин,
Юзлар ловиласин, юраклар ёнсин,
Баҳор, бахт дастлаб бизга ёнмоқда,
Наврўз наволари эшик қоқмоқда.

Гамхўрлик

«МУРУВВАТ» УЙИДА
КЎКЛАМ САЙЛИ

Наманган вилоятининг Поп туманидаги “Мурувват” интернат-уйида ногиронлиги бўлган 320 нафар шахс яшаб, даволанишади. Уларнинг малакали тиббий хизмат олиши баробарида, вақтлари мазмунли ўтиши учун барча шароит яратилган. Бу ерда янгиланиш ва яшариш айёми — Наврўз муносабати билан байрам сайли ташкил этилди.

Сумалак, кўксомса ва турфа ширинликлар билан тўлдирилган тўкин дастурхон атрофида намойиш қилинган концерт дастуридан диллар яйради. Шундан сўнг спорт мусобақалари уюштирилиб, интернат-уйида яшовчилар югуриш, арқон тортиш, шахмат-шашка мусобақаларида қатнашди.

— Меҳр-оқибат, мурувват — халқимизга хос фазилат. Давлат томонидан тўлиқ таъминланадиган бу маскан менга ўз уйимдек бўлиб қолган, — дейди Мингбой Эргашев. — Шифокор ва ижтимоий ходимлар аёло даражада эътибор қаратади. Ҳеч нарасадан камимиз йўқ. Наврўз сайлида роса яйради.

Тадбир ташкилотчиси — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги вилоят бошқармаси “Мурувват” интернат-уйида яшовчиларнинг ҳар бирини байрам совғалари билан сыйлади. Шу куни муассаса худудида 60 тупдан зиёд ўрик қўчатлари ўтқазилди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ,
(«Халқ сўзи»).

ЙИЛБОШИ КЎРКИ

Абу Райҳон Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида бир қанча халқларнинг турли байрамлари ҳақида маълумотлар келтириб, бу байрамлар дунёвий ва диний ишлар учун нишонлаб келинганини қайд

этади. Қадимги халқларнинг айёмлари орасида йилнинг турли фасллари ва ойларида нишонланадиганлари бўлиб, йилнинг бошланишини белгилайдиган байрам энг улуғи ҳисобланган.

Қадрят

Қадимги форслар йилнинг бошланишини “Наврўз” (“Янги кун”) деб атаганлар. Бу кун қадимги даврларда қуёшнинг Саратон буржига кирган пайтида нишонланган. Кейинроқ, тақвим такомиллашган, бу байрам орқага сурилиб баҳор фасли (Дай моҳ)нинг биринчи ойи — Фарвардин моҳ ойининг биринчи кунда нишонлана бошлаган.

Қутлуг саналари ва байрамлари форсларниқига ўхшаб кетадиган сўғдларда баҳорнинг биринчи ойи Навсард деб аталиб, унинг илк кунни катта Наврўз ҳисобланган. Лекин форслар ва сўғдларда йилни бошлаб берадиган байрам — Наврўз кунини белгилашда тафовутлар

бўлган. Бу ушбу мамлакатлардаги амалдаги тақвимлар билан боғлиқ эди. Қадимги Турон цивилизациясининг ривожига ўзига хос ўрин тутган Қадимги Хоразмда ҳам қўллаб байрамлар бўлган. Хоразмликларнинг динга алоқаси бўлмаган байрамлари орасида баҳорнинг биринчи ойи — Навсаржи ойининг биринчи кунини давомида нишонланадиган Йилбоши байрами улуғ байрамлардан бири саналган. Бу ҳақда Беруний ўз асарида (XI боб) маълумот бериб ўтган. Шу ўринда осмон илмларини, ернинг қуёш атрофидаги ҳаракатини 12 та буржга бўлиб чиққан қадимги туркларда Йилбоши байрами баҳорги тенгқунликка — 21 мартга тўғри келганини алоҳида қайд этиб ўтиш керак.

Маҳмуд Кошғарий ўзининг машҳур

“Девони луғотит-турк” асарида қадимги туркларнинг байрамлари билан боғлиқ муҳим маълумотларни келтириб ўтади. Улар орасида баҳорги тенгқунлик байрами — Йилбоши байрамига атаб тайёрланадиган таом — “сумалоқ” ҳақидаги маълумот ғоят эътиборлидир. Маҳмуд Кошғарий халқимиз ошпазлик (қулинария) санъатининг шоҳ таомларидан бўлган “сумалоқ” атамасининг қадим туркий сўзланиши урғулаб, унинг номларини асоси “сума”, яъни сувда ивйтиб ундирилган бугдой эканини қайд этади. Сувда ивитилган бугдой қалин ўт бўлиб уни чиққандан кейин унга “лок” сўз ясовчанчи қўшилиб, “сума+лок”, деб номланган. Ҳозирда ҳам ўзбек тилида “ўт+лок” атамаси билан ўт ўсган майдон аталиб келинишини ҳисобга олсак,

“сумалоқ” номининг қадимий туркий атамаси экани ойдинлашади.

Бугунги кунда жамиятимизда бу атамаси “сумалак” тарзида қўлланилиб, унинг асосида форсий “семалак” — “ўттин малак” тушунчаси ётади, деган гайри илмий тушунча кенг ёйилган. Ваҳоланки, “малак” атамаси тилимизга ислом даврида араб тилидан кириб келган бўлиб, бу тушунча форсларда “фаришта” номи билан аталади. “Малак” сўзининг арабий эканини, араб қулинария санъатида сумалоқ/сумалак, дея номланувчи таомнинг мавжуд эмаслигини ҳисобга олсак, “сумалак” атамаси на форсий ва на арабий сўз экани аниқлашади. Шу сабабли, бу қадимий таомнинг асл туркий номи — “сумалоқ” ата-

масини халқимизга қайтариш устида ишлаш маърифатпарвар зиёлиларимиз вазифаси сифатида қараш пайти келди.

Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида баҳорги тенгқунлик байрамини “Йилбоши” номи билан нишонлаш сақланиб қолган. Миллий қадриятлар тикланаётган, асл тарихимиз қайтаётган янги Ўзбекистонда баҳорги улуғ байрам — “Йилбоши” байрамини номини ҳам “Наврўз” атамаси билан бирга мамлакатимизда ва умумтуркий дунёда кенг ёйиш керак. Бунда Марказий Осиё цивилизацияси асослари яратилган мамлакатимиз яловбардор бўлиши, янги Ўзбекистон олимлари ташаббус кўрсатиши керак.

Астрономия илми ривожланган бугунги кунда Еринг қуёш атрофидаги ҳаракатининг янги цикли 21 март кунидан бошланиши, бу ҳаракат 365 кун, яъни 1 йил давом этиши маълум. Бу ҳам қадимги ажоддорларимизнинг аниқ фанлар соҳасида, хусусан, осмон жисмлари ҳаракатини ўрганишда ўз даври учун илгор билимларга эга бўлганидан, қўшни улқалар ва мамлакатларга маърифат тарқатганликларидан далолат.

Шу ўринда, тилшунос олимларимизнинг арабий сўз сифатида тилимизга кириб келган “илм” сўзи асосида қадимги туркий сўз — “билим” тушунчаси ётгани ҳақидаги фикрларини ҳам эсга олиш керак. Бу ҳақда қадим тарихимиздаги мавжуд бўлган “Билгамиш”, “Билга Ҳакон” атамалари ва бошқалар мисол бўла олади.

Янги Ўзбекистонга кириб келган баҳорий улуғ байрам, янги йил — Наврўз боис бу маълумотларни ёш авлод онгига синдириш орқали бой тарихимиз, бетакор қадриятларимиз, муқаддас байрамларимиз ҳақидаги билимларни кенг ёйиш таълим тизими олдидagi вазифалардан бири бўлиши керак.

Ўқтам МАВЛОНОВ,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети профессори,
тарих фанлари доктори.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 342. 18 433 хиссада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқати маълумотларни юклай олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.



Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термал ҳамада оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик ҳижатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 02.10 Топширилди — 02.45 1 2 3 4 5 6